

2.2.1 Ижарет сангиликнига таъсирланадиган олардан мазкуртади кимин
сабоюз фойдаланиши, сангиликнига таъсирланадиган олардан мазкуртади
таъмириланиши, шунингдек, финансийн таъсирланадиган олардан мазкуртади

ШАРТНОМА

Андижон шаҳри

2022 йил “ ”

РШТЁИМ Андижон филиали номидан Низом асосида фаолият юритувчи
бошлиқ Д.М.Хакимов (кейинги ўринларда Буюртмачи деб аталади) бир томондан ва
“Мадад 2020” х/к номидан Устав (ишончнома) асосида фаолият юритувчи раҳбари
К.Рахматуллаев кейинги ўринларда Аутсорсер деб аталади), иккинчи томондан
кейинчалик томонлар деб аталади, ушбу Шартномани қуидагилар тўғрисида
туздилар.

I. Шартнома предмети

1.1. Аутсорсер Буюртмачининг буюртмаси бўйича мазкур Шартноманинг
1.2-бандида кўрсатиб ўтилган хизматларни кўрсатиш, Буюртмачи эса ушбу
хизматлар учун пул тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Аутсорсер мазкур шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатдан
бошлаб, у тугагунга кадар ҳар куни Буюртмачини мижозларнинг **овқат тайёрлаш**
хизматини ҳамда Ўзбекистан Республикасининг норматив-хукукий ҳужжатлари
билин белгиланган санитария-гигиена нормалари ва қоидаларига риоя этган ҳолда,
Буюртмачи билан келишилган буюртмаларни бажариш жадвалига мувофик
таъминлаш мажбуриятини, кейинги ўринларда Хизматлар деб аталади, ўз зиммасига
олади.

1.3. Хизмат кўрсатиш муддати:

2022 йил “1” февралдан.

2022 йил “31” марта гача.

1.4. Томонлар бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва Аутсорсер
томонидан амалда кўрсатилган Хизматлар учун белгиланган тартибда
расмийлаштирилган ҳисоб-фактура имзоланиб Буюртмачи Аутсорсернинг мазкур
Шартномада кўрсатилган банк ҳисоб-ракамига пул маблағлари ўтказгандан сўнг
Хизматлар кўрсатилган деб ҳисобланади.

II. Томонларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. Аутсорсер қуидаги хуқуқларга эга:

2.1.1. Ижарага олинган мол-мулқдан фойдаланиш;

2.1.2. Ижарага олинган бино ва иншоотларнинг ички ва ташқи қисмida техник
жихатдан жихозлаш ва таъмирилаш ишларини амалга ошириш;

2.1.3. Хизматлар таннархининг ўзгариши муносабати билан шартномага
ўзгартириш киритиш таклифи билан чикиш;

2.1.4. Кўрсатилган хизматлар учун ўз вақтида тўловлар амалга оширилишини
талашиб қилиш;

2.1.5. Кўрсатилган хизматлар натижасида фойда олиш;

2.1.6. Буюртмачидан шартнома шартларининг бажарилишини талашиб қилиш;

2.1.7. Қонун ҳужжатларига мувофик бошқа хукуклар.

2.2. Аутсорсер қуидагиларга мажбур:

- 2.2.1. Ижарага олинган бино ва иншоотлар, жихозлардан мақсадли ҳамда оқилона фойдаланиши, сақлаши, носоз ҳолга келганда уларни ўз хисобидан таъмирлаши, шунингдек, фойдаланган коммунал харажатларини қоплаши;
- 2.2.2. Аутсорсинг хизматини кўрсатишда техника, ёнгин, меҳнат муҳофазаси ҳамда санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига қатъий риоя этиши;
- 2.2.3. Товар (ишлар, хизматлар)нинг сифатли ишлаб чиқарилишини ва буюртмачига етказилишини таъминлаши;
- 2.2.4. Махфийлик тартибиға қатъий риоя қилиши;
- 2.2.5. Шартномани бекор қилиш ҳақида буюртмачини икки ой олдин ёзма равиша огохлантириш, ушбу муддат тугагунига қадар эса буюртмачининг тегишли хизматларини узлуксиз ташкил этишни таъминлаши;
- 2.2.6. Хизматларни сифатли, мазкур Шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатда ва тўлиқ ҳажмда кўрсатиши;
- 2.2.7. Хизматлар кўрсатиш жараёнида Аутсорсер мазкур шартнома шартларига амал қиласдан, хизматлар сифатининг ёмонлашувига олиб келган барча камчиликларни Буюртмачининг талаби бўйича бир кун давомида бепул тўғрилаши;
- 2.2.8. Хизматларнинг сифатсизлиги, хизматларни бажариш учун вақтинча фойдаланишга бериладиган ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) хоналари ҳолати, шунингдек, тегишли инвентарларнинг санитария қоидаларига жавоб бермаслиги аниқданганда, Аутсорсер зудлик билан Буюртмачининг аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича қонуний талабини бажариши;
- 2.2.9. Малакали, тажрибали, қуйилган вазифани (хизматни, ишни) амалга ошириш ҳукуқини берувчи тегишли хужжатлари мавжуд бўлган, шунингдек, белгиланган тартибда ва муддатда тиббий текширувдан (кўрикдан) ўтган ходимларга (талаб этилган ҳолларда) хизматларни бажариш жараёнига рухсат этиши;
- 2.2.10. Ходимлар зиммасига Буюртмачининг ҳудудида одоб-аҳлоқ қоидаларига, шунингдек, ички тартибиға риоя қилиш мажбуриятини юклаши;
- 2.2.11. Хизмат кўрсатиш бўйича ишларни шахсан бажариши, мазкур Шартнома шартларини бажаришни учинчи шахсга топширмаслиги;
- 2.2.12. Мазкур шартнома шартларини бажариш доирасида Буюртмачи томонидан вақтинча фойдаланишга топширилган ускуналар, жихозлар, идишлар, асбоблар, мебеллар, инвентарлар ва бошқалар моддий воситаларни соз ҳолда сақлаши, таъмирлаши, шунингдек, биноларни таъмирлаши;
- 2.2.13. Томонлар имзолайдиган тегишли қабул қилиш-топшириш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда, Буюртмачидан биноларни (хоналарни), ускуналарни, жихозларни, асбобларни, мебелларни, инвентарлар ва бошқалар моддий воситаларни қабул қилиб олиши;
- 2.2.14. Мазкур шартномани бекор қилиш ҳақида Буюртмачини икки ой олдин ёзма равиша огохлантириши, ушбу муддат тугагунига қадар эса Буюртмачига хизматларни узлуксиз кўрсатилишини таъминлаши;
- 2.2.15. Мазкур шартномага асосан Хизматларни кўрсатиш ишларига жалб этилган ходимларни ўқитишни (малакасини ошириши) амалга ошириши (талаб этилган ҳолларда);

- 2.2.16. Қонун хужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар.
- 2.3. Буюртмачи қуидаги хуқукларга эга:
- 2.3.1. Товарлар (ишлар, хизматлар) сифатли ишлаб чиқарилиши (бажарилиши, күрсатилиши)ни талаб қилиш;
- 2.3.2. Аутсорсернинг фаолиятига аралашмаган ҳолда, шартнома шартларининг бажарилишини назорат қилиш;
- 2.3.3. Шартномани бекор қилиш тўғрисида 10 кун олдин Аутсорсерни ёзма равишида огохлантириш, бунда кўрсатилган хизматларнинг кийматини белгиланган тартибда тўлаш;
- 2.3.4. Қонун хужжатларига мувофиқ бошқа хуқуклар.
- 2.4. Буюртмачи қуидагиларга мажбур:
- 2.4.1. Бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва расмийлаштирилган ҳисоб-фактура асосида кўрсатилган хизматлар учун амалдаги нархлар бўйича бир ойда камида бир марта Хизматлар ҳакини тўлаши;
- 2.4.2. Аутсорсерга мазкур Шартнома шартларини бажариш доирасида биноларни (хоналарни), ускуналарни, жихозларни, асбобларни, мебелларни, инвентарлар ва бошқа моддий воситаларни вақтинча фойдаланишга бериши;
- 2.4.3. Қонун хужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар.

III. Хизматлар нархи ва ўзаро ҳисоб-китоблар тартиби

- 3.1. Мазкур шартноманинг иловасига мувофиқ хизматлар нархи **194250000 сўм** (*Бир юз тўқсан тўрт миллион икки юз эллик минг*) сўмни ташкил этади.
- 3.2. Аутсорсер томонидан кўрсатилган хизматлар учун ўзаро ҳисоб-китоблар бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва расмийлаштирилган ҳисоб-фактура асосида кўрсатилган хизматларнинг амалдаги қиймати бўйича бир ойда камида бир марта амалга оширилади.
- 3.3. Кўрсатиладиган хизматлар ҳисоб-китоби шартнома ойлик суммасининг 30 фоизи миқдорида олдиндан, 70 фоизи ҳақиқатда кўрсатилган хизматлар суммасидан келиб чиқиб ҳар 10 кунда, якуний ҳисоб-китоб эса кегинги ойнинг 5-санасига қадар амалга оширилади.
- 3.4. Буюртмачи томонидан амалда кўрсатилган хизматлар нархи белгиланган тартибда расмийлаштирилган, бажарилган ишлар далолатномаси ва ҳисоб-фактура олинган вактдан бошлаб, 10 банк куни давомида Шартномада белгиланган суммадан ортиқ; бўлмаган миқдорда тўланади.
- 3.5. Мазкур Шартноманинг иловасида кўрсатилган, шартноманинг прогноз суммасини ҳисоблаш учун хизматларнинг нархлари томонлардан бирининг ташаббуси билан қайта кўриб чиқилади.

IV. Томонларнинг мажбуриятлари

- 4.1. Аутсорсер томонидан овқат тайёрлаш хизматини олиб борища, санитария коидалари ва меъёrlари талабларини бажарилиши ҳолатининг кунлик назоратини олиб бориш буюртмачининг тегишли масъул ходимлари зиммасига юкланди.

4.2. Аутсорсинг хизматларини мониторинг қилиш буюртмачи томонидан шартномада белгиланган шартларда кунлик амалга оширилади.

4.3. Аутсорсер томонидан ташкил этилган хизматларнинг санитария коидалари, нормалари ва гигиена нормативларига, шунингдек, техник тартибга солиш соҳасидаги бошқа норматив хужжатлар талабларига тўлиқ мувофиқлиги ваколатли органлар томонидан ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни саклаш вазирлиги ҳамда унинг худудий бошқармаларининг тегишли бўлинмалари томонидан назорат килинади.

4.4. Аутсорсер шартнома мажбуриятларини ўз вақтида бажармаган ҳолларда, Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган кисмининг 0,5 фоиз миқдорида пеня тўлайди, бунда пеняning умумий суммаси кўрсатилмаган хизматлар ойлик нархининг 50 фоизидан ошмаслиги қерак.

4.5. Пеня (жарима) тўлаш Томонларнинг зиммасидаги мажбуриятларини бажаришдан ёки бузилишларни бартараф қилишдан озод этмайди.

4.6. Мазкур Шартнома шартларининг бажарилмаслиги ёки тегишли даражада бажарилмаслиги учун Томонлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик қодекси талабларида, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конуни ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа норматив-хукукий хужжатларида назарда тутилган жавобгар бўладилар.

4.7. Буюртмачига ҳар чоракда бир маротаба кўрсатилаётган хизматларнинг сифати, ижарага берилган бино ва иншоотларнинг ҳолатини мониторинг ўтказишга (аутсорсернинг молиявий фаолиятига аралашмаган ҳолда) шароитлар яратиш.

4.8. Томонларнинг Мазкур Шартномада назарда тутилмаган жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси худудида амалда бўлган фуқаролик конунчилиги нормаларига мувофик қўлланилади.

I. Мунозарали вазиятларни ҳал этиш тартиби

5.1. Мазкур Шартномани бажаришда юзага келиши мумкин бўлган низолар ва келишмовчиликлар имкон кадар Томонлар ўртасида музокара ўтказиш йўли билан ҳал этилади.

5.2. Низолар ва келишмовчиликларни Томонлар ўртасида музокара ўтказиш йўли билан ҳал этиб бўлмайдиган ҳолатларда, Ўзбекистон Республикаси конунчилигига назарда тутилган келишмовчиликларни суддан олдин бартараф қилиш тартиб-таомили амалга оширилгандан сўнг улар Ўзбекистон Республикаси конунчилигига белгиланган тартибда судга кўриб чиқиш учун берилади.

II. Форс-мажор ҳолатлар

6.1. Томонлар мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун, агар бундай ҳолатлар енгиб бўлмас куч, яъни табиий оғатлар, табиий ва техноген

тусдаги фавқулодда ҳолатлар ва алоҳида давр оқибати ҳисобланса ва давлатнинг тегишли органлари томонидан тасдиқланса, жавобгарликдан озод қилинади. Бунда мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати мутаносиб равишда ушбу ходисалар рўй берган муддатга сурилади.

III. Якунловчи қоидалар

7.1. Ушбу Шартномага ҳар кандай ўзгартириш ва қўшимчалар фақат улар ёзма шаклда расмийлаштирилиб, Томонларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзолангандан сўнг ҳақиқий ҳисобланади. Мазкур Шартноманинг барча иловалари унинг ажралмас қисмини ташкил этади.

7.2. Томонларнинг ҳеч бири мазкур Шартнома бўйича ўз хуқуқ ва мажбуриятларини бошқа Томоннинг ёзма шаклдаги розилигисиз бирор бир учинчи томонга беріб юбориши мумкин эмас.

7.3. Ушбу шартнома икки нусхада тузилган. Иккала нусха айнан бир хил бўлиб, бир хил юридик кучга эга. Томонларнинг ҳар бирида мазкур Шартноманинг бир нусхаси бўлади.

VIII. Шартноманинг амал қилиш муддати

8.1. Ушбу Шартнома имзоланган пайтдан кучга киради ва бир календарь йили давомида ёки муддатидан олдин бекор қилингунига қадар амал килади.

IX. Томонларнинг манзили ва банк реквизитлари

“Аутсорсер”	“Буюртмачи”
Манзил:	РШТЁИМ Андижон филиали
X/R:	Андижон вилояти Андижон шахри Пушкин кўчаси 58 уй
Банк:	Шх/р: 100021860034017073102054001
МФО:	Ўзб. Республикаси Молия вазирлиги
Рахбар:	х/р: 2340200300100001010
	Марказий банк Тошкент шаҳар бош бошқармаси
	МФО: 00014
	ИНН: 201122919
	директор: Д.М.Хакимов
	 Фото: Р.Дадаходжаев

сонли шартномага
 «___» 2022 йил кунги
 -сонли шартномага
 илова

Шартноманинг прогноз суммаси

T/р	Ойлар	Ойдаги кунлар сони	Ўлчов бирлиги	Хизмат бирлиги учун нарх (сўм)	Хизмат бирликлари сони	Жами суммас ҚҚС сиз (сўм)	ҚҚС %	Жами сумма ҚҚС билан
1	Январь	31	хизмат кўрсатиш					
2	Февраль	28	хизмат кўрсатиш	18500	10500	168913044	25336956	194250000
3	Март	31	хизмат кўрсатиш					
4	Апрель	30	хизмат кўрсатиш					
5	Май	31	хизмат кўрсатиш					
6	Июнь	30	хизмат кўрсатиш					
7	Июль	31	хизмат кўрсатиш					
8	Август	31	хизмат кўрсатиш					
9	Сентябрь	30	хизмат кўрсатиш					
10	Октябрь	31	хизмат кўрсатиш					
11	Ноябрь	30	хизмат кўрсатиш					
12	Декабрь	31	хизмат кўрсатиш					
Шартноманинг жами суммаси		365						194250000

РШТЁИМ Андижон филиали
 директори
 Д.М.Хакимов



«Мадад 2020» хусусий корхонаси
 рахбари
 К.Рахматуллаев

